

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR NOMIDAGI
ANDIJON DAVLAT UNIVERSITETI

**“NUTQ MADANIYATI VA O'ZBEK
TILSHUNOSLIGINING DOLZARB MASALALARI”**

*mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy
konferensiya materiallari*

2021-yil, 21-MAY

VII CHIQISH

Andijon

UO'K: 811.512.133 (154), (161);
811.512.122 (121); 811.161.1; 811.111-26.

“Nutq madaniyati va o‘zbek tilshunosligining dolzarb muammolari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari / [Mas‘ul muharrirlar K.Umarov, B.Ahmedov] – Andijon: Andijon davlat universiteti kichik bosmaxonasi, 2021. – 338 bet.

Mas‘ul muharrirlar:

Kamoldin Umarov
Botirjon Ahmedov

Ushbu to‘plamda “Nutq madaniyati va o‘zbek tilshunosligining dolzarb muammolari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari jamlangan. To‘plamda nutq madaniyati, o‘zbek tili fonetikasi va fonologiyasi, leksikologiyasi, grammatikasining dolzarb muammolari hamda tilshunoslikning an‘anaviy va zamonaviy yo‘nalishlari, lingvistik kompetensiyani shakllantirish muammolari, lingvomadaniyat va lingvoma‘naviyatshunoslik muammolariga bag‘ishlangan maqolalar jamlangan. Konferensiya materiallari filolog mutaxassislar, ilmiy tadqiqotchilar, magistratura va bakalavriat talabalari, shuningdek, keng o‘quvchilar ommasiga mo‘ljallangan.

Maqolalarning ilmiy saviyasi uchun mualliflar mas‘uldirlar

NUTQ MADANIYATI MASALALARI

СУХБАТДОШ МАҚОМИ ВА МУЛОҚОТ САМАРАДОРЛИГИНИНГ
ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Мўминов Сидиқжон Мирсобирович,
филология фанлари доктори, профессор.
Фарғона давлат университети.

Мадаминаова Сарвиноз Абдуллажон қизи,
ФарДУ филология факультети ўзбек тили йўналиши
3-босқич талабаси.

Ҳар қандай мулоқот (бевосита ёки бавосита ўтказиладиган суҳбат) маълум мақсад, ниятни амалга ошириш учун ташкил этилади ва унинг иштирокчилари (суҳбатдошлар) иложининг борица самарадорликка эришишга ҳаракат қилади. Мулоқотда самарадорликка эришиш эса кўп жиҳатдан суҳбатдош (адресант ва адресат)лар мақоми (мулоқотдаги мавқеи, ўрни)ни тўғри белгилаш билан боғлиқдир. Яъни сўзловчи (адресант) мулоқот жараёнида ўзининг ва тингловчи (адресат)нинг мақомини тўғри белгилаб олган тақдирдагина мулоқотдан кўзланган мақсад тўғри амалга ошади. Бу ҳақда жаҳон, рус ва ўзбек тилшунослари ўз вақтида ўз илмий фаразларини билдиришган [1, 2, 3, 4].

Юзаки қараганда у қадар сезилмайдиган ижодкор, айниқса, шоирлар томонидан ёзилган ҳар бир сатрда ўзининг ички олами, қалби, шахсияти, шеърида тасвирланаётган тимсол (образ)га муносабати яққол акс этиб туради. Бу ҳақда Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов “Шоиру шеъру шуур” номли рисоласида: “Таржимаи ҳолим борица ёзган шеърларимга, юрган йўлларимга, ҳаётимда учраган одамларга сочилган...” [1, 8] деган фикрни билдирган бўлса, профессор Ҳабибулло Жўраев “Лирик қаҳрамон ва муаллиф шахсияти” номли илмий рисоласида: “...биз борлиқнинг поэтик инъикосини шоирнинг “мен”лиги орқали қабул қилар эканмиз, демак муаллиф образи ҳақида ҳам муайян тушунча ва тасаввурга эга бўлишимиз лозим. Чунки ҳар бир муаллифнинг ўзига хослиги, ижодий принциплари, услубий қирралари, позицияси ва бошалар унинг “мен”идан бошланади...” [2, 3] деган илмий хулосасини баён қилади.

Ўзбекистон халқ шоири, энг муҳими, кўпчилик шеърият мулислари “севимли шоирим” дея эътироф этадиган шоир Муҳаммад Юсуф қандай қилиб бундай мартаба ва мақомга эришди?

Бу савол бизни шоир билан замондош, айниқса, филолог сифатида узок ўйга толдирди ва топган энг ихчам жавобимиз шу бўлди: Муҳаммад Юсуф — ҳаётда, одамлар билан бўладиган муносабатда ўз ҳадди, мақомини билладиган чинакам халқ шоири эди! Қалбида кибр деган туйғунинг “к”си ҳам йўқ эди. Аксинча, қанча олқиш олса, қанча мақтов эшитса, шунча хоксор, камтарин бўлиб борар эди. Бу ҳақда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов “Бетакрор шоир” номли мақоласида шундай ёзади: “Мен Муҳаммаджон билан узок йиллар мобайнида ёнма-ён яшадим, ёнма-ён ижод қилдим, ёнма-ён ишладим. Ҳали ёшлик йилларидаёқ бунчалик кўп мухлис орттирган, дўст-оғайниси бисёр ижодкорни кам кўрганман. Санъаткорлар-қу унинг ҳар бир мисрасини созга солишга тайёр эдилар.

Буларнинг сабаби нимада? Биринчи навбатда Муҳаммаджон яхши инсон эди. Яхши инсонларга эса бошқалар ҳамипша талпинадилар...

У обрў талашмас, иззатини сўроқлаб югуриб юришдан ор қиларди. Худди шундоқ яхши инсонгина яхши ижодкор бўлиши табиий ва қонунийдир. Шу каби юксак фазилатлари туфайли Муҳаммад Юсуфни халқимиз ардоқлади. Юртбошимиз оталарча меҳр кўрғазди...” [6, 4].

Хўш, Муҳаммад Юсуф ўз устози, халқимизнинг ардоқли шоири томонидан “Муҳаммаджон яхши инсон эди” дея эътироф этилишига қандай сазовор бўлди? Унинг қандай хусусиятлари оддий китобхондан тортиб то мамлакат Президентигача маъқул келди? Бу саволларга ҳам жавоб битта — камтарлик, хоксорлик, ў эли ва тилига бўлган чексиз меҳр!

Тўғри, камтарлик, хоксорлик, меҳр — ҳар қандай соғлом одамда бўлиши керак бўлган туйғу. Аммо булар ўз номи ўзи билан “туйғучи” маъносини англадиган шоирда жуда бошқача ва жуда ҳадсиз бўлишлигини М.Юсуф ўз ҳаёти ва ижоди мисолида яққол исботлади.

Фарзандини, айниқса, қиз фарзандини севмайдиган ота бўлмаса керак дунёда. Бу севги, бу меҳр Муҳаммад Юсуфнинг қизи Нозимага бағишланган “Узр” номли шеърда яққол ўз ифодасини топган:

Шухратга ўч бўлсам керак мен гумроҳ,
 Ёлғон бўлса керак дилда нолам ҳам.
 Тўпори байтларим битар пайтим гоҳ
 Кўзимга кўринмай қолар болам ҳам [5, 192].

Мана шундай тўртлик билан бошланган шеър давомида шоир нима учун ўзини айблаётганлик сабабларини бирма-бир санаб беради:

Оламини эркалаб эрка сўз излаб,
 Боламини эркалаб бир сўз айтмайман.
 Мушукдай суйкалиб келса ҳам музлаб,

Бетидан бир ўнмай уйдан ҳайдайман.

Чунки бундай пайтда шоирга илҳом келган бўлади ва унинг дилбандлари бўлган қизлари ҳам шоир дадаларидан илҳом париси кочиб кетмаслиги учун унга ҳалал бермасликка ҳаракат қилишади:

Қалам ушладимми, демак, ўйин – бас,

Яйраб очолмайди гул дудоғини.

Бундоқ юрак ютиб сўраша олмас,

Хонамда қолдирган кўғирчоғини.

Бу ҳол кизларга жуда алам қилади. Бундай пайтда уларнинг мурғак, беғубор кўнгилчаларидан нималар ўтишлиги эса фақат Яратганга ва ўзларигагина аёндир:

Бурчак-бурчакда жим тортишар бурун,

Билмам қандай ўй-у хаёл ичида.

Тузсиз шеърларим деб шириндан-ширин

Болаларим юрар оёқ учида.

Ниҳоят, шоир шеърни ҳам ёзиб тугатади. Бу шеър балки унинг энг гўзал, энг шоҳ асаридир. Аммо бу шоҳ асар дунёга келаётган пайтда унинг дунёларга алишмайдиган дилбанди – қизи йиғлаб, дадажонисининг меҳрига конмай, ундан ҳафа бўлиб, “пик-пик” йиғлаб ўтирди. Шоир бундай ҳолатда ёзилган шеърнинг баҳридан ўтади ва шеърни йиртиб ташлаб, қизини бағрига босади, пешонасидан ўпиб, узр сўрайди:

Улар шеър ёзмасин ҳеч менга ўхшаб

Мендан нафи кўпроқ тегар элимга.

Шоҳ асар бўлса ҳам тупурдим ўша –

Боламини йиғлатиб ёзган шеъримга!..

Бундай кучли меҳр шоирнинг деярли ҳар бир шеърисида, айниқса, “Синглимга мактуб”, “Онамга”, “Ота”, “Меҳр қолур” каби шеърларида яққол бўртиб туради. Уларнинг ҳар бирида сохта шон кетидан қувиш, худбинлик, шуҳратпарастлик қораланади, буларнинг ҳаммаси ўткинчи эканлиги ва фақат меҳр, мухаббат қолишлиги таъкидланади:

Ўтар қанча йиллар тўзони,

Юлдузлар – кўзёши самони.

Ўтар инсон яхши-ёмони,

Меҳр қолур, мухаббат қолур... [5, 13]

Дарвоқе, бу синовли дунёда меҳр, мухаббат барҳаёт экан, ҳоҳ онла аъзолари, ҳоҳ китобхон билан бўладиган бевосита ёки бавосита мулоқотларда ўз мақомини ҳамиша тўғри белгилаган Мухаммад Юсуф шеърлари ҳам барҳаётдир.

Адабиётлар:

1. Вохидов Э. Шоиру шеърү шуур. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987.
2. Жўраев Х. Лирик қахрамон ва муаллиф шахсияти. – Тошкент: Фан, 2008.
3. Крисин Л.П. Речевое общение и социальное роли коммуникации // Социолингвистические аспекты изучения современного языка. – М.: Наука, 1989.
4. Расулов Қ.А. Ўзбек мулоқот хулқининг функционал хосланиши. Филол.фанл.ном.дис.автореф. – Тошкент, 2008.
5. Юсуф М. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 2007.
6. Юсуф М. Халқ бўл,элим. – Тошкент: O'ZBEKISTON, 2007.

TILDA KONDENSATSIYALASH VA UNI YUZAGA KELITIRUVCHI OMILLAR

H.R.Zakirova, dotsent, ADU

M.Sodikov, magistr, ADU

Tilning tayyorlik xususiyati bor, lekin bu tayyorlik belgisi qotib qolgan emas, u tarixiy jarayon bilan birga rivojlanib, muloqot jarayonida to'xtovsiz o'zgarib boradi. Aynan ana shu o'zgarish va rivojlanib borish tilning yashab qolishining zarur sharti bo'lib hisoblanadi. M.V.Lomonosov kommunikatsiya jarayonini osonlashtirish va qulaylashtirish tushunchalarni kondensatsiyalashga olib kelishini ta'kidlab: «Tushunchalarning ko'pligi va ularni tez va qisqa qilib uzatishni rag'batlantirish odamni o'zi sezmaganda holda o'z nutqini qisqartirishga va bir narsani hadeb takrorlayverishdan qochishga olib keldi» [2, 26].

Ko'rib chiqilgan adabiyotlarda kondensatsiya (qisqarish) hodisasi, asosan uchta omil asosida yuzaga chiqishi aytilgan. Biz bu omillarni o'rganib quyidagicha guruhga ajratishnu ma'qul ko'rdik:

1. Antroponik omil:
 - 1) psixologik omil;
 - 2) fiziologik omil.
2. Ijtimoiy omil:
 - 1) kommunikativ omil;
 - 2) yangi tushuncha omili;
 - 3) tempotal omil.

Antroponik omil insonning jismoniy va aqliy imkoniyatlari bilan bog'langan bo'lib, u o'z ichida psixologik va fiziologik omillarga bo'linadi.

MUNDARIJA

NUTQ MADANIYATI MASALALARI		
✓ <i>Mўминов С.М., Мадаминава С.А.</i>	СУХБАТДОШ МАҚОМИ ВА МУЛОҚОТ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ	4
<i>Zakirova H.R., Sodikov M.</i>	TILDA KONDENSATSIYALASH VA UNI YUZAGA KELTIRUVCHI OMILLAR	7
<i>Tурсунова О. А.</i>	ПОЭТИК МАТНДА АНАГРАММАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ	9
<i>Umarova N.R.</i>	ALISHER NAVOIY IJODINING TIL VA USLUB XUSUSIYATLARIGA DOIR	11
<i>Pirnazarova G.A., Jumanazarova G.</i>	ATOQLI OTLAR USLUBIYATI	14
<i>Ro'ziyev E.O'.</i>	SHARQ NOTIQLIK TARIXIDA SIYOSIY NUTQ VA UNING SHAKILLANISHI	18
<i>Нурмухаммедова М.</i>	ДИСКУРСНИНГ ПРАГМАТИКВИСТИК МОДЕЛИ	20
<i>Ҳайдарова О.</i>	НУТҚ МАДАНИЯТИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ	23
<i>Valiyeva M.</i>	ZULFIYA SHE'RLARINING TIL XUSUSIYATLARI	25
<i>Mahmudjonov Sh.S.</i>	RASMIY USLUBDAGI NUTQNING XUSUSIYATLARI	29
<i>Yoqubboyeva Sh.T.</i>	SO'ZLASHUV NUTQIGA XOSLANGAN ERKALOV- KICHRAYTIRUV SO'ZLARI	31
O'ZBEK TILI FONETIKASI VA FONOLOGIYASINING DOLZARB MUAMMOLARI		
<i>Юнусова З.У.</i>	ЎЗБЕК ТИЛИ ФОНЕТИК-ФОНОЛОГИК ТИЗИМИГА ХОС ПАРАДИГМАТИК НОМУТАНОСИБЛИК ҲАҚИДА	35
<i>Abdusalomov A. Zakirova H.R.</i>	O'ZBEK TILIDA D1, D2, D3 TIPIDAGI FONOLOGIK OPPOZITSIYALAR	39
O'ZBEK TILI LEKSIKOLOGIYASINING DOLZARB MUAMMOLARI		
<i>Қодиров З.М.</i>	СЎЗ ТИЛИНИНГ МАРКАЗИЙ БИРЛИГИ СИФАТИДА	42
<i>Мўминов С. Хамдамова В.</i>	ШОИРНИНГ СЎЗ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ	48
<i>Ҷўраева С.Б.</i>	ИСТИФОДАИ ИБОРАҲОИ РЕХТА ДАР ТАЪРИХНОМАҲОИ САДАҲОИ X-XIII ВА ВАРИАНТҲОИ ОНҲО ДАР ГЎИШҲОИ МУОСИРИ ТОЎБИКИ	52
<i>Кабулжоннова Г.</i>	ТЕРМИНЛАРДА МЕТАФОРИК МАЪНОНИНГ ИФОДАЛАНИШИ	58
<i>Turdaliyeva D.S.</i>	BARQAROR BIRIKMALARNI TASHKIL ETUVCHI UNSURLARNING O'ZARO MUNOSABATI	60
<i>Пардаева М.Х.</i>	ҚОДИРИЙ ҲАЖВИЯЛАРИДА ФОРСЧА, АРАБЧА ВА РУСЧА ИСТИЛОҲЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ	63
<i>Юлдашев Ф.К.</i>	СРЕДСТВА ВЫРАЗИТЕЛЬНОСТЬ ЯЗЫКА	66
<i>Эгамбердиев Ж., Эгамбердиева И.</i>	ЎСИМЛИК НОМЛАРИГА ХОС МЕТАФОРЛАР ҲАҚИДА	71